АУДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Турманкулов Норпўлат Саъдуллаевич
Тошкент шаҳар Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси,
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.16885081

Аннотация. *Аудит-ташкилот ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мустақил равишда текшириш жараёни бўлиб, унинг келиб чиқиши қадимги цивилизациялар даврига бориб тақалади. Илк аудит ишлари Қадимги Миср ва Римда давлат маблағларини назорат қилиш мақсадида амалга оширилган. "Аудит" атамаси лотинча "audire"- "тинглаш" сўзидан олинган бўлиб, дастлабки аудит ишлари ҳисоботларни эшитиш орқали бажарилган. Индустриал тараққиёт ва бозор муносабатларининг ривожланиши билан аудит мустақил касб сифатида шаклланиб, бугунги кунда молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш, хато ва қонунбузарликларни аниқлаш, ҳамда иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.*

Аннотация. *Аудит-это процесс независимой проверки финансово-хозяйственной деятельности организаций и предприятий, происхождение которого уходит корнями в древние цивилизации. Первые аудиторские функции осуществлялись в Древнем Египте и Риме с целью контроля за государственными средствами. Термин «аудит» происходит от латинского слова «audire» — «слушать», поскольку первоначально аудит заключался в прослушивании отчетов. С развитием индустриализации и рыночных отношений аудит сформировался как самостоятельная профессия и сегодня играет важную роль в обеспечении достоверности финансовой отчетности, выявлении ошибок и нарушений законодательства, а также в повышении прозрачности экономической деятельности.*

Annotation. *Audit is the process of independently examining the financial and economic activities of organizations and enterprises, and its origins date back to ancient civilizations. The earliest audit practices were carried out in Ancient Egypt and Rome to control state funds. The term "audit" is derived from the Latin word "audire," meaning "to hear," as the first audit procedures involved listening to financial reports. With the development of industrialization and market relations, audit evolved into an independent profession. Today, it plays a crucial role in ensuring the reliability of financial reporting, detecting errors and violations of the law, and enhancing the transparency of economic activities.*

Калит сўзлар: *Аудит, Молиявий ҳисобот, Мустақил текширув, Қадимги цивилизациялар, Индустриал тараққиёт, Тинглаш, Иқтисодий шаффофлик. Қонунбузарликларни аниқлаш.*

Ключевые слова: *Аудит, Финансовая отчетность, Независимая проверка, Древние цивилизации, Индустриализация, Слушание, Экономическая прозрачность, Выявление нарушений.*

Keywords: *Audit, Financial reporting, Independent examination, Ancient civilizations, Industrial development, Listening, Economic transparency, Detection of violations.*

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва республикамизда бозор иқтисодиёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида банк-молия тизими ва давлат сектори барқарорлигини таъминлашда аудит тизими муҳим аҳамият касб этади.

Аудит атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, “эшитувчи”, “эшитмоқ” маъноларини англатади. Ушбу атаманинг амалиётга кириб келиш борасида турли қарашлар мавжуд. Уларни қуйидаги уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

Қадимда инсонлар ҳали ўқиш ва ёзиш санъатидан бехабар бўлган даврда, бирор ҳудуд ҳукмдори доимий равишда ўз бойликлари миқдори ҳақидаги маълумотга эҳтиёж сезган. Шунда ҳукмдор дастлабки аудиторлар хизматидан фойдаланган. Яъни шу ҳукмдор эгалигида бўлган бойликлар, хусусан, қорамолга қараш, парваришлаш мажбуриятини олган ходимлар йилнинг маълум бир вақтида аудиторларга шу бойликларни тасвирлаб, айтиб берганлар. Бир оз вақт ўтгач шу аудитор ушбу ходимларини яна бир бор тинглаган ва аввалги, шунингдек, кейинги маълумотлар ўртасида қандай фарқ борлиги ёки бундай фарқлар йўқлиги тўғрисида ҳукмдорга ҳисобот берган.[1]

Иккинчи қарашга асосан, ўрта асрлар даврида ғарб мамлакатларида давлат молия идораси кенг жамоатчилик олдида йиллик якуний молиявий ахборотларни ўқиб эшиттирган. Ушбу эшиттириш орқали жамоатчилик, тўланаётган солиқлар тўғри мақсадлар йўлида, исрофгарчиликларга йўл қўйилмаган ҳолда ишлатилаётганига ишонч ҳосил қилган. Бу жараёнда аудитор, яъни “тингловчи” вазифасини жамоатчилик ўтаган.[2]

Учинчи қараш шундан иборатки, ғарб мамлакатлари диний билим муассасалари, яъни монастирларда таълим бераётган ўқитувчилар ўз ўқувчилари орасидан энг иқтидорли, дарсларни талаб даражасида ўзлаштираётган ўқувчиларни танлаб олганлар ва уларга қолган ўқувчиларнинг китобни бехато ўқиётганликларини тинглаш орқали текшириб бориш вазифасини юклаганлар. Ушбу қарашга асосан, аудитор, яъни “тингловчи” атамаси шу иқтидорли ўқувчиларга нисбатан қўлланилиш асосида амалиётга кирган.[3]

Ушбу қарашлар аудит атамасининг келиб чиқишига доир турли фикрларни илгари сурсада, улар ўртасида аудитнинг моҳиятига доир умумийлик ҳам мавжуд. Ушбу умумийлик шундан иборатки, юқоридаги ҳолатларнинг ҳар бирида аудитор:

жамоатчилик ишончини қозонган;

ўзининг маълум бир қобилияти, билими билан ўзгалардан ажралиб турган;

жамият фаровонлиги, ривожи йўлида хизмат қилган шахс сифатида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, аудит соҳаси ўзининг у ёки бу кўринишида инсониятнинг қадим тарихи давомида доимо мавжуд бўлган. Албатта, ҳозирги замонавий аудит ўзининг юқорида келтирилган даврлардаги моҳиятидан тубдан фарқ қилади.

Шу ўринда, ушбу соҳанинг XXI асрга қадар етиб келишига асосий сабаб нимада, деган ҳақли савол юзага келиши мумкин. Бунга сабаб- жамиятнинг аудит соҳасига эҳтиёжидир. Жамият эҳтиёжи бўлмаганда эди, аудит шундай узоқ ривожланиш босқичларни босиб ўтмаган бўлар эди. Жамият томонидан бу соҳага эҳтиёжнинг юзага келишидаги асосий омил эса - жамиятнинг ишончли молиявий ахборотга эҳтиёжидир.

[1] Д.Тайлор, Г. Глезен “Auditing: integrated concepts & procedures”.
[2] “Principles of auditing” / Walter B.Meigs, O.Ray Whittington, Kurt Pany, Robert F. Meigs.-9th edition
[3] Р.А.Алборов, Л.И.Хоружий, С.М.Концевая “Основы аудита”.-М: “Дело и сервис”, 2001.

Молиявий ахборот молиявий муносабатларнинг натижаси сифатида юзага келади. Молиявий муносабатлар эса у ёки бу кўринишда қадим даврлардан, хусусан, ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ мавжуд бўлган. Молиявий муносабатларни юзага келтирадиган асосий омиллар ресурслар; шу ресурсларга доир ахборот. Жамият ресурсларни айирбошлаш, улар билан савдо-сотиқ қилиш жараёни асосида ҳаёт кечиради. “Иқтисодиётнинг отаси” ҳисобланган шотланд мутафаккири Адам Смит томонидан 1776 йилда ёзилган “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” номли асарда таъкидланганидек, ушбу жараёнда жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз шахсий манфаатини кўзлаган ҳолда иш тутади. Натижада жамиятни “кўринмас қўл” бошқараётгандек бўлади ва жамият ривожланади. Демак, жамият вакиллари манфаатлари доимий равишда тўқнашади. Афсуски, бу манфаатлар доим ҳам ўзаро мос тушавермайди. Бундан келиб чиқиб, Адам Смит таърифига қўшимча тарзида шуни келтириш лозимки, манфаатлар тўқнашуви жараёнида ҳар бир вакил ўз манфаатини ҳалол, қонуний асосда кўзлаган ҳолда иш тутиши лозим. Акс ҳолда, жамият тараққиёт сари эмас, балки инқироз сари юз тутади.

Ушбу жараёнда тенгликни таъминлаш, бирор шахснинг бошқа бир шахс ҳисобига ўз манфаатларига эришишига йўл қўймаслик мақсадида, жамиятда молиявий муносабатлар борасида ўзига хос ҳакамга эҳтиёж юзага келади. Ушбу вазифани эса аудитор бажаради.

Юқоридаги ҳолат шуни кўрсатадики, аудитор жамиятда ўта муҳим ва масъулиятли ўрин эгаллайди. Унинг жамият фаровонлиги ва тараққиётига қўшадиган ҳиссаси ниҳоятда катта.

Аудиторлик фаолиятининг мақсади ва вазифалари

Аудит ва аудиторлик фаолиятига шу соҳага оид турли адабиётлар ва профессионал ташкилотлар томонидан турлича таърифлар келтирилган. Хусусан, Россия Федерацияси “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуни” да “Аудит-белгиланган тартибда жалб этилган аудитор томонидан, ташкилот бухгалтерия ҳисоботларининг тўғрилиги юзасидан ўз фикрини билдириш мақсадида шу ташкилот бухгалтерия маълумотларини мустақил равишда ўрганишдир”, дейилган. Аудит соҳасида сермаҳсул илмий изланиш олиб бораётган бир қатор рус мутахассислари аудиторлик фаолиятига қуйидагича таъриф келтирганлар: “Аудиторлик фаолияти-аудиторлик фирмалари томонидан иқтисодий субъектларнинг молиявий ҳисоботлари, ҳисоб-китоб ҳужжатлари, солиқ деклорациялари ва бошқа молиявий мажбуриятларини мустақил равишда текширишга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятидир”.

Ғ

арбда, хусусан, АҚШда “аудит” атамасига таъриф беришда 1971- йилда Америка Бухгалтерлар Ассоциацияси (American Accounting Association) томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги таъриф кенг баён этилади: “Аудит-иқтисодий фаолият ва воқеаларга доир маълумотларни, уларнинг белгиланган меъзонларга мослик даражасини ўрганиш мақсадида қўлга киритишга, баҳолашга ва натижани манфаатдор шахсларга тақдим этишга йўналтирилган тизимлашган жараёндир”. Америка Сертификатланган Жамоат Бухгалтерлари Институти (American Institute of Certified Public Accountants) келтирган таърифга кўра эса “Аудит-махсус белгиланган аудитор томонидан компаниянинг молиявий ҳисоботларини мустақил равишда ўрганиш ва ушбу ҳисоботларнинг АҚШ умумқабул қилинган бухгалтерия тамойиллари (USG enerally Accepted Accounting Prin-ciples)га мос келиши юзасидан ўз фикрини баён этишдир”. Умуман олганда, АҚШлик мутахассислар

аудитга иқтисодий субъектнинг фаолияти ва ҳолатига доир маълумотларни тўплаш ва баҳолашга қаратилган тизим сифатида қарайдилар.

Баъзи Европалик мутахассислар эса аудитни молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун шу ҳисоботларга доир ахборот рискини минимал- лаштиришга йўналтирилган фаолият деб таъкидлайдилар. Шотландия Сер- тификатланган Бухгалтерлар Институти (Intitute of Certified Accountants in Scotland) келтирган таърифга кўра эса "Аудит-бошқарув тизимининг самарадорлиги ва бутлигини. молиявий ҳисоботларнинг тўлиқлигини таъмин- лашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар мажмуидир".

Бизнинг фикримизча, "Аудит-шу соҳада фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан корхона молиявий ахборотининг тўғри ва тўлиқлигини, маълум қонун-қоидаларга асосан тузилгани ёки уларга мос тушишини текшириш ва натижани манфаатдор тарафга етказишга йўналтирилган фаолиятидир". Ушбу таърифда келтирилган "молиявий ахборот" жумласи биринчи навбатда, бухгалтерия ахборотини англатади.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, аудиторлик фаолиятининг асосий вазифаси молиявий ахборотнинг ҳаққоний ва тўлиқлиги юзасидан фикр билдиришдан иборат. Аммо аудиторлик фаолияти фақатгина текшириш ва фикр билдириш функцияларидан иборат бўлмай, аудиторлар томонидан солиқ, молиявий бошқарув, ахборот технологиялари ва бошқа бир қатор соҳалар бўйича қўшимча равишда касбга доир хизматлар ҳам кўрсатилади.

Аудит жуда узоқ ривожланиш тарихига эга. Албатта, ушбу соҳа юзага келган дастлабки даврларда у аудит деб ҳам аталган эмас, бу соҳанинг ўша даврлардаги вазифаси, кўриниши ҳозирги замонавий аудитдан кескин фарқланади. Аммо ҳар қайси даврда ҳам аудит соҳасининг умумий, ўхшаш хусусиятлари мавжуд бўлган. Буни аудитнинг қуйидаги ривожланиш босқичларида кўришимиз мумкин[4]:

Ибтидоий аудит. Ушбу тур аудит қадимги Миср ва Бобилда кенг қўлланилган. Ушбу аудитнинг моҳияти шундан иборат бўлганки, давлат молия тизимининг икки расмий вакили бир-биридан алоҳида, мустақил равишда давлат хазинаси кирим ва чиқимининг ҳисобини юритган. Маълум вақт оралиғида ушбу икки ҳисобчининг ёзувлари учинчи бир шахс томонидан таққосланган ва ушбу ёзувларда ўхшаш ҳамда фарқли ҳолатлар аниқланган.

Ушбу таққослаш усули ҳозирда замонавий аудитнинг текширув услубиятларидан бири ҳисобланади. Унга асосан корхоналар маълум фаолияти юзасидан аудитор қисқа давр учун қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва натижани шу корхона бухгалтерияси тақдим этган маълумотлар билан солиштиради.

Қадим Юнонистон ва Римда аудит. Ўзининг юксак маданияти, илм-фани билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган бу икки империя аудит соҳасининг тараққиётида ҳам катта рол ўйнаган. Ушбу даврдаги аудитда асосий эътибор давлатнинг юқори органларида фаолият юритаётган шахсларнинг молиявий фаолиятига қаратилган. Хусусан, улар маълум даврда, мисол учун давлат ишидан бўшаётган ёки четлаштирилаётган даврда ўз молиявий фаолиятлари бўйича ҳисоботни давлат томонидан белгиланган мустақил шахсларга топширганлар. Ушбу мустақил шахслар аудитор вазифасини бажарганлар ва

[4] Whittingtou Ray and Pany Kurt «MP Principles of Auditing and Other Assurance Services» with Updated Chapters (Hardcover - 2006).

тақдим этилган маълумотларнинг маълум қонун-қоидаларга қанчалик мос тушаётганини текширганлар.

Ўрта асрларда аудит. Ушбу давр аудити бевосита Буюк Британия билан боғлиқ. Бу давр тарихда феодализм даври деб номланади ва унда давлат ери кенг тартибда аҳолига вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага тақсимлаб берилган. Бу тақсимланган ерлардан ер эгалари, давлат тўлов олган. Ушбу тўлов ер эгаларининг асосий даромад манбаини ташкил этган. Шу даромаднинг ўз вақтида ва тўлиқ ер эгасига келиб тушишини таъминлаш мақсадида, ер эгаси бир шахсга ер ҳақини ижарачилардан тўплашни, иккинчи шахсга эса мустақил равишда шу тўпланган маблағларнинг ҳисобини юритиш вазифасини топширган. Маълум даврдан кейин эса ер эгаси аудиторни таклиф қилган ва ер ҳақи бўйича ҳисоб- китоб маълумотлари билан ҳақиқатда келиб тушган пул маблағларини ўзаро солиштиришни сўраган. Аудитор солиштириш натижаларини ер эгасига тақдим этган ва юзага келган фарқлар сабабини аниқлаган.

Саноат Революцияси даврида аудит. Ушбу давр Англияда давлат рўйхатидан ўтган дунёдаги дастлабки корпорациялар, яъни акциядорлик жамиятларининг юзага келиши билан изоҳланади. Бу даврда ушбу корпорацияларнинг молиявий ҳисоботлари ҳозиргидаги каби корпорация директорлари кенгаши томонидан тайёрланган. Аммо ушбу молиявий ҳисоботларнинг аудитини эса ташқаридан жалб этилган мустақил аудитор эмас, балки шу корпорацияларнинг акциядорлари ўтказганлар. Бунга сабаб, ўша вақтлардаги қонун талабига кўра, корпорация молиявий ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказмоқчи бўлган шахс биринчи навбатда шу корпорациянинг акциясига эга бўлиши лозим бўлган.

Ушбу талаб ҳозирги замонавий аудитда мустақиллик тамойилига тўғри келмаганлиги сабабли, қонунга асосан тақиқланди. Яъни аудитор текширилаётган корпорациянинг бирорта ҳам акциясига эга бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, у шу корпорацияда ўтказилаётган аудит текширувидан четлаштирилиши лозим.

Замонавий аудит. Ҳозирги замонавий аудитининг асослари XIX аср ўрталарида, яъни 1862 йилда Буюк Британияда “Компаниялар тўғрисидаги қонун”нинг қабул қилиниши билан яратилган. Унга асосан, Британиянинг ҳар бир компанияси ўз ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларини йилига камида бир маротаба бухгалтерия соҳасидаги мустақил эксперт томонидан текширувдан ўтказиши лозим бўлган. 1878 йилда Буюк Британияда “City of Glasgow Bank” (Глазго шаҳар тижорат банки) банкрот бўлиши муносабати билан ушбу давлатда 1879-йилда “Мажбурий аудит” тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

АҚШ да аудит XX аср бошларигача бўлган даврда ўз мустақил аудит тизимига эга бўлмай, Британия аудит тизимидан андоза сифатида фойдаланган. Сабаб шунда эдики, бу даврга қадар АҚШда аудит текширувига катта эҳтиёж бўлмаган. Британияда аудитор хулосасидан кенг жамоатчилик, шу жумладан, инвесторлар фойдаланаётган бир даврда, АҚШда ушбу хулосадан фақатгина банк муассасалари фойдаланганлар. Чунки бу давлатда ушбу ташкилотлар корхоналарга маблағ ажратувчи асосий манбаа ҳисобланган. Бу даврларда ҳали инвесторлар гуруҳи шаклланмаган эди. Шу сабабли, ушбу даврда Британиядан фарқли ўлароқ, АҚШда корхоналарнинг асосан, кўп ҳолларда эса фақатгина баланс ҳисоботлари аудит текширувидан ўтказилган. Чунки банк учун мижознинг фойдали ишлаётгани тўғрисидаги маълумотдан кўра кўпроқ унинг қандай активга эгалиги тўғрисидаги маълумот аҳамиятлироқ бўлган. Сабаби, корхона банк кредитлари учун ўз активлари билан жавоб беради. Актив эса баланс ҳисоботида акс эттирилади. Шунингдек, ушбу давр АҚШ

аудитининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, унда корхоналарнинг деярли ҳар бир счёти текширилган, ҳар бир ҳисоб-китоб ҳужжатлари ўрганилган. Бунга эса табиийки узоқ вақт ва маблағ талаб этилган. Шу сабабли аудиторлар кейинчалик танлаб текшириш усулни кенг қўллашга ўтишган.

АҚШ да аудит соҳасининг кенг ривожига 1933 ва 1934-йилларда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бўйича давлат қонуни", 1937 йилда Қимматли қоғозлар ва биржа бўйича комиссия (Securities & Exchange Com ission) нинг тузилиши, корпорациялар ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва сотиш учун ушбу давлат ташкилотидан рўйхатдан ўтиши, рўйхатдан ўтиш учун эса ҳар бир корпорация SECга мажбурий тартибда аудит текширувидан ўтган молиявий ҳисоботларини тақдим этишлари шарт қилиб белгиланганлиги туртки бўлди.

Ҳозирда Буюк Британияда аудит соҳасини тартибга солувчи, аудитнинг методик асосларини яратувчи ва аудит стандартларини ишлаб чиқувчи ташкилот 1880-йилда ташкил топган Англия ва Уэлсда Қасамёд Қилган Бухгалтерлар Институти (ICAEW) ва Қасамиёд Қилган Дипломли Бухгалтерлар Уюшмаси (ACCA) ҳисобланса, АҚШда Америка Сертификатланган Жамоат Бухгалтерлари Институти (AICPA) шу вазифани амалга оширади.

Германияда замонавий аудит асослари 1870 йилда "Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун"га қўшимча киритилиши билан яратилди. Ушбу қўшимчага асосан, ҳар бир акциядорлик жамиятининг назорат кенгаши шу жамиятнинг молиявий ҳисоботларини текшириши ва натижани акциядорлар умумий йиғилишида эълон қилиши лозим эди.

Германияда аудит соҳасини тартибга солувчи ташкилот 1932 йилда ташкил этилган Германия Аудиторлар Институти ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ташкилотнинг аъзолари 6000 дан ортиқ.

Францияда аудит текшируви билан шуғулланувчи икки асосий ташкилот мавжуд. Биринчиси Эксперт-бухгалтерлар палатаси бўлса, иккинчиси Счётлар бўйича комиссарларнинг Миллий компаниясидир. Бухгалтерлар ва комиссарларнинг асосий фарқи шундаки, бухгалтерлар акция дорлик жамиятлари томонидан шу жамиятларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва молиявий ҳисоботларини текшириш учун таклиф этилса, комиссарлар "Франция акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун"га асосан давлат идоралари томонидан мажбурий тартибда тайинланади ва юборилади.

Хитой Халқ Республикасида замонавий аудитнинг асослари 1983 йилда Хитой Аудиторлик Маъмурияти тузилиши ва шу йилда биринчи аудиторлик фирмаларининг ташкил топиши билан яратилди.

Аудит соҳаси МДҲ давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасига 1990 йилларда кириб кела бошлади. Бу даврга қадар ушбу давлатларда мулкнинг асосий қисми давлатга тегишли бўлганлиги сабаб, фақатгина "тафтиш" мавжуд эди ва у давлат идоралари томонидан амалга оширилар эди. Давлат мулкига асосланган собиқ Иттифоқнинг парчаланиши асосида кенг тартибда хусусий мулкчиликнинг шаклланиши, қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши сабабли МДҲ мамлакатларида аудит соҳасига эҳтиёж кескин ортди. Натижада кўпгина МДҲ давлатларида, хусусан Ўзбекистонда аудит соҳасининг мустаҳкам асосларини яратиш ва ушбу соҳани тартибга солиш мақсадида "Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун" ва "Аудиторлик фаолиятининг стандартлари" қабул қилинди. Дастлабки миллий аудиторлик фирмалари тузилди ҳамда "Катта тўртлик"ка кирувчи Emst & Young, Deloitte & Touche, K PM G , PriceW aterhouse Coopers каби йирик халқаро аудиторлик фирмалари ўз ваколатхоналарини очдилар.

Республикамизда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш ва ривожлантириш вазифасини қуйидаги ташкилотлар амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги;

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (O‘zBAMA);

Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси (O‘zAP).

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, тартибга солиш ва ривожлантиришда асосий вазифани бажарувчи давлат органидир. Аудиторлик фаолиятига доир стандартлар, меъёрий ҳужжатлар, низомлар Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг қарори, тасдиғи билан, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтгач, кучга киради.

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси 1992 йил 13 мартдан эътиборан расмий фаолият юритиб келмоқда. Ушбу ташкилот Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг илмий-методик асосларини яратиш, аудиторлик фаолияти, солиққа тортиш, хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили ва молиявий менежмент бўйича қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва миллий стандартларини ишлаб чиқишда қатнашади. Ассоциация ҳозирги кунда 1932 нафар аъзоларига эга бўлиб, республикамизнинг деярли барча йирик шаҳарларида ўз ҳудудий бўлимларига эга.

O‘zBAMA-бу ҳудудий ёки касбий принцип тенг ҳуқуқ асосида, умумий манфаат ва ўз аъзоларининг мақсадлари асосида бирлашган бухгалтерлар, аудиторлар, илмий ва педагог ходимлар, солиқ маслаҳатчиларининг республика жамоат ташкилотидир. Ассоциацияга аъзолик ихтиёрий равишда амалга оширилади.

O‘zBAMAнинг асосий фаолиятини қуйидаги тўрт тармоққа бўлиш мумкин:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорликда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ҳамда Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради.

Республикамизда бухгалтерлар ва аудиторлар малакасининг юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида ўз ўқув марказида узлуксиз таълим дастурини амалга оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни. - Т., 2021.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни. —Т., 2016.
4. М.М. Тўлаходжаева, К.Б. Ахмаджонов ва б. Аудит - 2 жилд. Дарслик. - Т. ТДИУ, Норма, 2008 й.
5. Аудит. Дарслик. М.М. Тўлаходжаева ва Ш.Илхомовларнинг таҳрири остида. Т.: ТДИУ, 2007. 463 бет.
6. А.Абдуллаев, О.Абдуваҳобов, И.Қаюмов. Аудит асослари. Дарслик. - Т., 2003.
7. Р.Д. Дўсмуратов. Аудит асослари. Дарслик. - Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти. 2003. - 612-б